

## МАРКАЗИЙ БАНҚДА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР ВА КОММУНИКАЦИОН СИЁСАТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Худойбердиева Зилола Авазовна

Марказий банкнинг Жамоатчилик билан алоқалар ва  
коммуникацион сиёсат департаменти бош мутахассиси

Наврўз Норбобоев

“Узэнергоинспекция”си матбуот котиби

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14288574>

*Аннотация.* Мазкур илмий мақолада Марказий банкда жамоатчилик билан алоқаларнинг долзарблигининг сабаблари, ушбу йўналишга эътибол қаратишнинг аҳамияти, вазифа ва функциялари таҳлил этилган.

*Калит сўзлар:* коммуникация сиёсати, ахборот, жамоатчилик билан алоқалар, бошқарув, давлат идоралари, ахборот хизмати.

## ЗНАЧЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ СВЯЗИ С ОБЩЕСТВЕННОСТЬЮ И КОММУНИКАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ В ЦЕНТРАЛЬНОМ БАНКЕ

*Аннотация.* В данной научной статье анализируются причины актуальности связей с общественностью в Центральном банке, задачи и функции а также, важность обращения внимания на это направление.

*Ключевые слова:* коммуникационная политика, информация, связи с общественностью, менеджмент, государственные учреждения, информационная служба.

## THE IMPORTANCE AND CHARACTERISTICS OF PUBLIC RELATIONS AND COMMUNICATION POLICY IN THE CENTRAL BANK

*Abstract.* This scientific article analyses the reasons for the relevance of public relations in the Central Bank and the importance of paying attention to this direction, tasks, and functions.

*Key words:* communication policy, information, public relations, management, information service.

---

Жамоатчилик билан алоқаларнинг аҳамияти барча сиёсий соҳаларда тобора тобора кўпроқ тан олинмоқда, аммо сўнгги йилларда Марказий банк тизимида амалга оширилган ишлар, айниқса, таъсирли: махфийликдан ноаниқликгача шаффофлик ва ҳисобдорликгача. Марказий банк сиёсатининг асосий мақсади Инфляцияни пасайтишга эришишга қаратилиши, глобал молиявий инқирознинг кучайиб бориши бу масаланинг муҳим сабаби

хисобланади. Марказий банклар "матбуотни банкдан ва банкни матбуотдан узоқроқ тутишга" интилан кунлар ўтиб кетди ва орқага қайтиш йўқ.<sup>1</sup>

**Нима учун Марказий банк Жамоатчилик билан алоқаларни кучайтириши керак ва бу нима беради деган табиий савол туғилади?**

Бунга назарий жиҳатдан бир неча омиллар таъсир кўрсатади:

**Рақамли технологиялар ва глобаллашув асрида турли асосланган ёки ҳеч бир асосга эга бўлмаган маълумотнинг яшин тезлигида тарқалиши**

Ҳозир ижтимоий тармоқлар ва ҳатто ОАВларда ҳам турли асосланмаган, шов-шув кўтаришга, аудотирияни жалб этишган қаратилган контентлар жадаллик билан кўпаймоқда. Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларда эркин ахборот майдони бошланишига ҳали унча кўп вақт бўлмагани сабабли ахборотларни саралашда ҳали аҳолида етарли иммунитет шаклланмагани ва ёлғон ахборотга нисбатан қонунчиликда бўшлиқлар мавжудлиги Марказий банк имиджига салбий таъсир кўрсатадиган, унга аҳоли ишончини камайтирадиган асосланмаган хабарларнинг осонлик билан тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай хатарга қарши фақат фаол коммуникацион сиёсат, очиқлик ва шаффофликни кучайтириш билангина муносиб жавоб бериш ва ҳимояланиш мумкин.

**Пул-кредит сиёсатини юритишда инфляцион кутилмаларнинг аҳамияти юқорилиги**

Маълумки, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади доимий тарзда нархлар барқарорлигини таъминлаш ва инфляцион таргетга эришиш хисобланади. Марказий банк истиқболдаги иқтисодий ҳолатни тўғри баҳолаш ва шунга кўра таъсир чораларини белгилаш мақсадида келгусида юз юериши мумкин бўлган хатарларни ўрганади ва уларни 3 та сценарийга ажратади:

1. Асосий сценарий — содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган, аниқ прогнозларга асосланган сценарий;
2. Муқобил сценарий — кўпроқ ташқи омиллар билан боғлиқ бўлган ва айрим тахминларга асосланган сценарий;
3. Хатарли сценарий — мавсумий, иқлим ўзгариши ва бошқа кутилмаган хатарлар боғлиқ бўлган сценарий.

Марказий банклар ушбу сценарийларни ва мавжуд хатарларни, уларни бошқариш механизми ва кўрилаётган сиёсий чораларни кенг жамоатчиликка очиқлаб бориши муҳим

---

<sup>1</sup> Gerri Guruch. Xalqaro Valyuta jamg'armasi, Kommunikatsiya bo'limi direktori, "Frontiers of Economic Policy Communications" Prepared by Olga Stankova <https://www.imf.org/en/Publications/Departmental-Papers-Policy-Papers/Issues/2019/05/20/Frontiers-of-Economic-Policy-Communications-46816>

аҳамият касб этмоқда. Бу бозор иштирокчилари кутилмаларини бошқариш имконини беради ва Марказий банкка бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Айнан бир сценарийга устунлик бермаслик, эҳтимоллиги ва инфляцияга таъсири юқори бўлган барча хатарларни инобатга олиб, улар юзага чиқиши кузатилган тақдирда юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатлар ҳамда пул-кредит сиёсатининг уларга жавоб реакцияси қандай бўлиши тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қолаверса, аҳолининг эҳтимолий хатарлардан хабардорлиги, марказий банкларга ҳар қандай сценарий шароитларига қарорларини мослаштириш имкониятини бериши билан бир қаторда олиб борилаётган пул-кредит сиёсатига бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади<sup>2</sup>

Ўз навбатида, бозор иштирокчилари ва иқтисодий субъектларнинг доимий ахборот билан тўйиниши, мавжуд ва кутилаётган вазиятдан хабардорлиги уларга ўз фаолиятидаги рискларни вақтида аниқлаш имконини бериши билан бирга, Марказий банк олиб бораётган пул-кредит сиёсатига ишончини ҳам оширади. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларига ҳам таъсир кўрсатиб, уларни фаоллаштиришга ҳамда ижобий ўзгаришига сабаб бўлади.

### **Аҳолининг молиявий саводхонлигининг оширишнинг иқтисодий ўзгаришлар ва глобал молиявий инқирозга ижобий таъсири**

Аҳолига иқтисодий ахборотларнинг етиб бориши, тўғри ва таъсирчан тилда тушунтирилиши уларнинг иқтисодий ҳолат бўйича билимларининг ошишига, бирёқлама эмас, кенг таҳлил қила олишига сабаб бўлади. Бу эса уларнинг Марказий банк фаолиятини тушунишини оширади ва турли танқидларнинг олдини олади. Шу билан бирга, бу аҳолида хабардорлик кўникмасини ошириб, уларнинг Марказий банк фаолиятига янада қизиқишига сабаб бўлади.

### **Аҳолининг ўз молиявий ҳолатини ва давлат иқтисодий шароитини тўғри баҳолаши муаммоли кредитлар миқдори камайишига олиб келади**

Аҳолининг ахборотлар билан яқиндан танишиши, уларнинг билим даражасига таъсир кўрсатади, молиявий саводхонлигини оширади. Бу ўз навбатида уларнинг инфляция, иқтисодий муаммолар ва ўз молиявий ҳолатини тўғри баҳолаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, уларнинг кредит олиш режаларини пухта ўйлаш, тўлов

---

<sup>2</sup> Пул-кредит сиёсатининг 2025 йил ва 2026-2027 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари; [https://cbu.uz/upload/medialibrary/903/qluprtyqvsm1bntf6nrdo1n4u3zg1km/Asosiy-y\\_nalishlar-2025\\_2027-Kontseptual-loyi\\_a\\_.pdf](https://cbu.uz/upload/medialibrary/903/qluprtyqvsm1bntf6nrdo1n4u3zg1km/Asosiy-y_nalishlar-2025_2027-Kontseptual-loyi_a_.pdf)

қобилиятини аниқроқ баҳолаш ва келгусидаги иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб даромадларини прогноз қилиш қобилиятини ошириш имконини беради.


**Марказий банк имиджи, унинг олиб бораётга сиёсатига бўлган ишончни мустаҳкамланиши**

**Ўз навбатида Марказий банк очиқлиги ва шаффофлиги аҳоли учун ҳам фойдали бўлмоқда. Масалан:**

- Иқтисодий мавзуларни яқиндан танишиш имконини беради;
- Молиявий саводхонликни оширади;
- Дунёдаги иқтисодий вазиятни прогноз қилиш кўникмасини шакллантиради;
- Иқтисодий ташкилотлар билан яқинлашишга рағбатлантиради;
- Марказий банк ва тижорат банклари устидан жамоатчилик назоратини кучайтиради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда аҳолини, жумладан, иқтисодий агентлар, бозор иштирокчилари, шу билан бирга барча аҳоли қатламини Марказий банк фаолиятига ва қонунчилик билан боғлиқ зарур ахборотлар билан таъминлаш мақсадида Марказий банк сўнгги йилларда очиқ ва замонавий технологияларга мослашган коммуникацион сиёсатни олиб бормоқда. Бу йўналишда кўплаб коммуникацион воситалардан, таъсирчан ахборот инструментларидан фодаланмоқда.

Марказий банкка жамоатчилик ишончини ошириш
Ахборот хуружларига бардошли оқилона коммуникацион сиёсат олиб бориш
Инфляциян таргетлаш доирасида пул-кредит сиёсатини қўллаб-қувватлаш



Хулоса сифатида Марказий банк фаолиятини жамоатчиликка кенг ёритиб боришнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, ушбу йўналишнинг янада таъсирчан усул ва инструментларини кашф этиш, Халқаро тажрибаларни яқиндан ўрганиб уни тажрибада қўллаш, аҳолининг кенг қатламига кириб бориш ва мураккаб иқтисодий мавзуларни тушунарлилигини таъминлашнинг янги ечимларини излаш бўйича изланишда давом этиш чораларини кўришни тақозо этади.

<p>Публистическ материаллар: видео-ролик, видеолавҳа, хабар, янгилик, интервью, суҳбат</p>
<p>Марказий банк фаолияти ҳисоботлари ва таҳлилларига, иқтисодий прогнозларга асосланган шарҳлар (ойлик, чорақлик, йиллик)</p>
<p>Инфографика ва видеографикалар</p>
<p>ОАВ вакиллари иштирокидаги тадбирлар: Матбуот анжуманлари, семинарлар, давра суҳбатлари ва брифинглар, Пресс турлар</p>
<p>Пресс-релиз, глоссарй ва қўлланмалар</p>

**REFERENCES**

1. Герри Гуруч. Халқаро Валюта жамғармаси, Коммуникация бўлими директори; “Frontiers of Economic Policy Communications” Prepared by Olga Stankova <https://www.imf.org/en/Publications/Departmental-Papers-Policy-Papers/Issues/2019/05/20/Frontiers-of-Economic-Policy-Communications-46816>
2. Пул-кредит сиёсатининг 2025 йил ва 2026-2027 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари; [https://cbu.uz/upload/medialibrary/903/qluprtyqysmlbntf6nrdo1n4u3zg1km/Asosiy-y\\_nalishlar-2025\\_2027- Kontseptual-loyi\\_a .pdf](https://cbu.uz/upload/medialibrary/903/qluprtyqysmlbntf6nrdo1n4u3zg1km/Asosiy-y_nalishlar-2025_2027- Kontseptual-loyi_a .pdf)